2011 йил 29 ноябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 232 (12.043) Баҳоси эркин нархда

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарама Бош директор хоним,

Ҳурматли симпозиум иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ, Тараққиёт дастури ва Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларини, дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, бугунги симпозиумнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва ўзимнинг чуқур эҳтиромимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Яқинда бунёд этилган, миллий ва замонавий архитектура ҳамда шаҳарсозликнинг энг яхши намуналарини ўзида мужассам этган, бугун халқаро анжуман ўтаётган ушбу ноёб комплекс икки қисмдан – Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройидан иборат. Мазкур муҳташам саройда биз қабул қилаётган илк меҳмонлар сиз, энг инсонпарвар ва олижаноб соҳа – оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган ушбу халқаро форум иштирокчилари эканингизнинг ўзи кўп жиҳатдан рамзий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Маргарет Чен хоним, барча меҳмонларимизга ушбу Форумда иштирок этиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг атоқли хорижий олимлар ва тиббиёт оламининг юксак обрў-эътиборга эга мутахассислари иштирокида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш моделининг муҳокама этилиши биз учун катта шарафдир.

Мамлакатимизда умумэътироф этилган шиор – «Соғлом она – соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди.

Биз бу муҳим вазифанинг ижросига киришар эканмиз, одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш ва модернизация қилиш асосидагина олдимизга қўйган мақсадга эришиш мумкинлигини теран англаб етганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилди, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

**Биринчидан,** энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда тумандаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мазкур тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилмоқда ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

**Иккинчидан,** мамлакатимизда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг қуйи бўғинини кучайтиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Шунга эътиборингизни қаратишни истардимки, бу ерда гап бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ҳақида эмас, балки замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган пунктлар ҳақида бормоқда.

**Учинчидан,** туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи оптималлаштирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан яхши жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ҳамда поликлиникалари ташкил этилди.

**Тўртинчидан,** бугунги кунда мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульманология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз, аввало, узоқ муддатли самарали мақсадга, яъни миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Табиийки, бунинг учун улкан вазифаларни, жумладан, одамлар психологияси ва онгини ўзгартиришга доир ишларни амалга оширишга тўғри келди.

Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тизими жорий этилди.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Маргарет Ченни I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, Хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 24 ноябрь*

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 ноябрь куни Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув халқаро ҳамжамиятнинг, биринчи галда, ЖССТнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги туб ўзгаришларга улкан қизиқишидан далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилади. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012-2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси шу йил май ойида 2011-2014 йиллар учун ЖССТ Ижроия қўмитаси таркибига сайланди.

Сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда қарийб етмиш лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, ЖССТ Оролбўйида бола ёшидаги касалликларнинг интеграциялашган бошқаруви ва тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга, дастлабки тиббий-санитария ёрдами хизматини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий қилишда иштирок этмоқда, аҳолининг саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги хабардорлигини ошириш борасида давлат томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда. Унинг кўмаги билан мамлакатимизда қатор юқумли касалликларни, жумладан, полиомиелитни тўла бартараф этишга эришилди.

ЖССТ, ОТБ, ЕИ ва ЮНИСЕФ иштирокида Ўзбекистоннинг барча минтақаларида ўқув марказлари ташкил этилиб, уларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги 25 мингдан зиёд тиббиёт мутахассиси таълим олди. Шунингдек, ЖССТ ёрдами билан ҳар йили Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг юзга яқин мутахассиси жаҳоннинг етакчи мамлакатларида малака оширмоқда ва тажриба алмашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Тошкентда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий моделига бағишлаб ташкил қилинган йирик халқаро симпозиумда илм-фаннинг нуфузли намояндалари, ушбу соҳадаги етакчи халқаро ташкилотлар вакиллари, ўнлаб мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирликларининг мутасаддилари қатнашгани Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги муваффақиятлари жаҳонда кенг эътироф этилишидан яна бир далолат экани таъкидланди.

Маргарет Чен юксак мукофот – «Соғлом авлод учун» ордени ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ЖССТ 1991 йилдан буён Ўзбекистонда оналик ва болалик масалаларида юксак даражадаги сиёсий масъулиятнинг гувоҳи бўлиб келаётганини қайд этди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она – соғлом бола» дастури оналар ва болаларга ғамхўрликнинг барча зарур жиҳатларини – дастлабки тиббий ёрдам ва стационар даволашни, мунтазам профилактик кўрик ва шошилинч тиббий ёрдамни, иммунизация орқали профилактика қилишни, скрининг воситаси билан олдиндан ташхис қўйишни ўз ичига олган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда)

**«Маърифат маркази» мажмуидаги симпозиумлар саройида 26 ноябрь куни «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилди. Симпозиумда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис иштирок этди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳоли соғлиғини, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом наслни вояга етказиш, бу борада ягона миллий тизимни яратиш, тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган туб ислоҳотлар самараларини чуқур таҳлил қилиш илмий анжуманнинг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ЖССТнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг Глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталарининг «Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд судьялари ҳамда фуқаролик, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**● Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Конституциямиз ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг юртимиздаги ижроси доирасида ота-оналарнинг бола ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш масаласига бағишланган ушбу тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.**

**● Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш субъектларини иқтисодий соғломлаштириш борасида кўрилган зарур чора-тадбирлар туфайли 15 та саноат корхонаси фаолияти барқарорлашди. Жумладан, Ангрен шаҳридаги «Саноатқалинқоғозсавдо» қўшма корхонасига ҳам хориж сармояси йўналтирилди. Натижада бу ерда қоғозни қайта ишловчи илғор замонавий технологиялар ўрнатилиб, хом ашё таъминоти яхшиланди. Корхона жамоаси жорий йил якунига қадар белгиланганидан 1 миллиард сўмдан кўпроқ маҳсулот тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.**

### ЖАҲОНДА

**● Австралия миллий университетининг Сюзан О`Коннор бошчилигидаги бир гуруҳ олимлари иккита қадимий балиқ тутиш илмоғини топишди. Топилмалар Шарқий Тимордаги ғорлардан биридан чиққан. Қадимшуносларнинг фикрича, моллюска чиғаноғидан ясалган ушбу илмоқлардан бирининг ёши 11 минг, иккинчисиники эса 23 минг йилга тенг. Шу боис олимлар иккинчи балиқ тутиш қуролини ҳозиргача топилганлари ичида энг қадимийси, деб ҳисобламоқдалар. Чунки бунгача Европа ҳудудидан топилган энг ёши «улуғ» илмоқ 20 минг йиллик тарихга эга эди.**

**● Европа космик агентлиги 2017 йилда махсус зондни Қуёшга учиришни режалаштирмоқда. Бундан кўзланган мақсад ушбу улкан юлдузнинг сирли жиҳатларини ўрганишдан иборат. Янги яратилган қурилманинг Қуёшга жуда яқин бора олиши бунда қўл келиши мумкин.**

**● АҚШнинг Жанубий Каролина штатида юз берган кучли тўфон оқибатида тўрт нафар одам ҳаётдан кўз юмиб, бир киши тан жароҳати олган. Шунингдек, Луизиана штатида ҳам қуюн кўтарилиб, ўнлаб кишиларга шикаст етган. Кўплаб турар жой бинолари зарарланган, электр таъминоти издан чиққан. Метеорологларнинг билдиришича, табиий офат Мексика кўрфазидан кириб келган совуқ оқим туфайли юз берган.**

**● Япониянинг «Fuji Heavy Industries» ва «Sumitomo» компаниялари ҳамкорликда офисларни тозаловчи робот яратди. Эътиборли жиҳати, «темир одам» иш бошлашидан олдин хонада кимдир бўлса, «илтимос, офисни бўшатинг, мен йиғиштиришим керак», дея мурожаат ҳам қила олади. Мабодо унинг буйруғига эътиборсиз қаралса, робот 16 сония ичида ўша одамни бир четга суриб қўйиб, юмушларни бажаришга киришаркан.**

№ 232 (29.11.11)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛИШИДАГИ НУТҚИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида маънавий муҳит ва одоб-ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу анъана юксак қадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиладаги соғлом муҳит соғлом бола туғилишида қандай улкан аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугун Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратишингизни истардим. Улар ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Мамлакатимизда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шакллантирилди.

Мамлакатимиз тиббиёт институтлари «Шарите» (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт муассасалари, Россия ва Украинанинг машҳур марказлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мана шу юксак минбардан ушбу залда йиғилган Форум қатнашчилари номидан уларга самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда.

Мамлакатимиз давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди.

Бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистонда аҳоли учун барча биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилинч тиббий ва педиатрия ёрдами, туғуруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юқумли ҳамда бошқа қатор ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ва сифатли тиббий ёрдам қимматбаҳо, бунинг устига, мунтазам янгилашни талаб қиладиган асбоб-ускуналарга, шунингдек, қиммат дори воситалари ҳамда препаратларга асосланишини ҳаммамиз жуда яхши тушунамиз. Бу эса бепул ва пуллик даволаш ишларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни тақозо этади.

Биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтирмоқчиман. 1991 йилдан буён ўтган даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришдик.

Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам takомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда.

Шу кунларда биз ислоҳотларнинг янги босқичи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга киришдик. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини оптималлаштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базаси янада яхшиланади, уларда акциядорлаштириш жараёнлари амалга оширилади, ушбу муассасаларда ишлаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, якуний натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилади.

Бу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан яқин йилларда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилади ва биз масалага нафақат аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили, балки иқтисодиётимизни юксалтириш ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қарамоқдамиз.

Ҳурматли симпозиум иштирокчилари!

Бугунги халқаро форум натижалари пировардида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонаман. Зеро, ҳар бир одам учун узоқ ва соғлом умр кўриш бахтли ҳаёт кечиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидламоқчиманки, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган барча ютуқларимиз асосида, аввало, минг-минглаб тиббиёт ходимлари – шифокорлар, ҳамширалар, олимлар ва мутахассислар, ўзининг тинимсиз ва фидокорона меҳнати билан инсонга шифо бериш, унинг дардига малҳам бўлишни муқаддас бурч деб биладиган барча олижаноб касб эгаларининг билими, тажрибаси ва маҳорати мужассамдир.

Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси – ўқитувчилик, иккинчиси – шифокорликдир. Ўзининг олижаноб касбига содиқ шифокор ҳар куни энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига холис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади.

Ушбу юксак минбардан туриб, сиз ва сизларнинг тимсолингизда мазкур олижаноб касб эгаларига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилайман. Яна бир бор меҳмондўст ўзбек заминига хуш келибсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур!

---

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Оқсаройда А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Лео Бокерия Ўзбекистонда, айниқса, унинг ноёб иқтидори ва тажрибаси туфайли қайтадан ҳаёт нашидасини сураётганлар орасида ҳамиша ардоқланиб келаётган инсонлардан бири эканини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Лео Бокерия нафақат замонавий тиббиётнинг етук намояндаси эканлиги, балки Ўзбекистон ва Россия тиббиёт муассасаларининг ҳамкорлигига улкан ҳисса қўшиб келаётгани билан ҳам машҳурдир. У раҳбарлик қилаётган илмий марказда 1994 йилдан буён Ўзбекистоннинг юзга яқин мутахассиси таълим олди ва малака оширди.

Лео Бокерия 2004 йилда хайрли мақсад билан Ўзбекистонга келиб, В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида туғма юрак хасталигига чалинган болаларни ўта мураккаб жарроҳлик операциясидан ўтказди. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат ҳамкорликда илмий анжуманлар, жарроҳлик операциялари ўтказишни, кадрлар малакасини оширишни назарда тутади. Ўтган вақт давомида Ўзбекистон тиббий муассасалари билан Л.Бокерия раҳбарлик қилаётган илмий марказ ўртасидаги алоқалар янада фаоллашди. Жумладан, кўплаб ўзбекистонлик мутахассислар ушбу марказдаги ҳамкасблари билан яқин ҳамкорликда номзодлик ва докторлик тадқиқотларини олиб борди.

Оқсаройдаги учрашувда Лео Бокерия самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволаш борасида катта ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Тошкентда дунёга машҳур олимлар, қарийб қирқ мамлакат ҳамда турли халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказилган нуфузли симпозиум Ўзбекистон тиббиёт соҳасида, аввало, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида эришган муваффақиятларнинг кенг эътирофи бўлганини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

---

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Маргарет Ченга мамлакатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўз сўзида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилаётгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бош устувор йўналиш этиб белгилангани нафақат бугунги кун, балки келажак нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри стратегия эканини алоҳида таъкидлади.

Маргарет Чен Президентимизга юксак мукофот учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш, фармацевтика маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони соҳани тубдан ислоҳ этишда муҳим босқични бошлаб берди.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Ўзбекистон қўшилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 сентябрда парламентимиз томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. 2008 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни кучга кирди.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 мартда қабул қилинган фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланишида эзгу мақсад мужассам. Бу – баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш, жисмоний ва маънавий соғлом ўғил-қизларни вояга етказиш йўлидаги кенг кўламли ишларнинг ўзига хос тимсолидир.

Она ва бола саломатлигига бағишланган мазкур нуфузли анжуманнинг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланган жорий йилда қуриб битказилган «Маърифат маркази»нинг симпозиумлар саройида ўтказилгани соғлом авлодни тарбиялаш масаласига қаратилаётган изчил эътиборнинг амалдаги яна бир намоёни бўлди.

Ҳаёт давомийлигининг асоси бўлган аёлни, наслимиз давомчиси бўлмиш фарзандларимиз саломатлигини асраш – бу миллатни, халқни асрашдир. Фарзандга, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Истиқлол йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Соғлом она – соғлом бола деган улуғ ғояни барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди. Соғлом авлод деганда, авваламбор соғлом наслни тушунамиз. Бу борада мамлакатимизда «Соғлом она – соғлом бола» дастури асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Симпозиум ялпи мажлисида Ўзбекистонда яратилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб хоним, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Стивен Аллен, Латвия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ингрида Цирцене, Озарбойжон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири О.Ширалиев, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди, ЮНФПАнинг Марказий Осиёдаги субминтақавий офиси директори Николай Ботев, Европа педиатрлар ассоциацияси вице-президенти, Европа педиатрлари илмий қўмитаси президенти Мануэль Мойа (Испания), Сеул Миллий университетининг педиатрия маркази президенти, Корея Республикаси Болалар кардиологлари ассоциацияси президенти Жунг Ил Но, Гарвард тиббиёт мактабининг халқаро дастурлар бўйича илмий жамиятлар қўмитаси раиси, профессор Эдвард Жеймс (АҚШ), «Save the children» халқаро ташкилоти вакили Но Бо Ким (Корея Республикаси), «Шарите» клиникаси профессори Роланд Вауэр (Германия), «Им Парк» кардиожарроҳлик клиникаси директори Паул Фогт (Швейцария) ва бошқалар сўзга чиқди.

Улар ўтган даврда Ўзбекистонда тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидладилар. Сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берувчи, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни қамраб олган тиббий муассасалар тармоғи ташкил этилди. Вилоятларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли шифохоналар, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилди, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси мустаҳкамланди.

Болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва 13 минтақавий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидан иборат ягона тизим яратилди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг минтақавий филиаллари, минтақавий перинатал марказларда оналар ва чақалоқларга юқори технологиялар асосида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашни юқори даражага кўтариш имконини бермоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган Республика Репродуктив саломатлик маркази ва унинг 13 минтақавий филиали юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришга оид билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Овқатланишни яхшилаш аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича миллий стратегиянинг таркибий қисмларидан биридир. Бу борада мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилди. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳонда кам учрайди. Давлатимиз томонидан поливитаминлар хариди учун маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган ҳомиладор аёллар соғломлаштирилмоқда, оналар саломатлиги мустаҳкамланмоқда, болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олди олинмоқда. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғуруқлар ўртасидаги муддатни узайтириш, эрта ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, тиббиёт соҳаси кадрлари малакасини ошириш, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳолини репродуктив саломатлик масалалари тўғрисида кенг хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бехатар оналикни таъминлаш, самарали перинатал парвариш, гўдаклар реанимацияси, кўкрак сути билан эмизиш, болалар ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Халқаро анжуман қатнашчилари Симпозиумлар саройида ташкил этилган мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма билан танишдилар.

Симпозиум иштирокчилари шўъба мажлисларида илмий муҳокамаларни давом эттирдилар.

Телеконференция воситасида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Наврўз» қишлоқ врачлик пунктида ўтказилаётган туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги, Жиззах вилоятидаги скрининг марказида ҳомиладор аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиалидаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Симпозиум қатнашчилари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳридаги болалар шифохоналари фаолияти билан танишдилар. Тиббиётнинг турли йўналишларига ихтисослаштирилган клиника ва марказларда бўлиб, сателлит-конференциялар, мастер-класслар, мамлакатимиз мутахассислари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиётларида иштирок этдилар.

Анжуман якуни бўйича Халқаро симпозиум резолюцияси қабул қилинди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**



**Шу йил 25 – 26 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумдаги иштироки юзасидан меҳмонлар, шу жумладан, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияларининг раҳбарлари ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КЕНГ МИҚЁСЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИГА ЮКСАК СИЁСИЙ СОДИҚЛИК

**Жужанна ЯКАБ, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг директори:**

— «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумдек муҳим тадбирнинг ташаббускори бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва мамлакат ҳукуматига самимий миннатдорлигимни билдираман.

Тошкентда илмий анжуманнинг ўтказилиши Республика раҳбариятининг соғлиқни сақлаш соҳасида кенг миқёсли ўзгаришларнинг амалга оширилишига бўлган содиқлигидан далолат беради. Ҳатто давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тараққиётига, айниқса, унинг қишлоқ жойларда ривожлантирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили мамлакат миллий бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи ижтимоий соҳага ажратилмоқда, унинг 35 фоизи оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган, тиббий хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган ислоҳотлар жараёнлари юксак баҳога лойиқдир. Мустақиллик йиллари давомида оналар ва болалар ўлимининг сезиларли даражада камайгани Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришларнинг муваффақиятининг ёрқин далили ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон болалар ўлими қисқаришини сармоялаш стратегияси қўлланишини биринчилардан бўлиб бошлади.

Мамлакат бутун ҳудудини қамраб олган эмлаш кампанияси муваффақиятли ўтказилгани билан Ўзбекистон ҳукуматини қутлашга ижозат беришингизни сўрайман. Ўзбекистон полиомиелитдан холи бўлган ҳудуд ҳисобланади. Мамлакатингиз қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш бўйича кучли тизимга эга.

**Джордж КРОЛ, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Мен Симпозиумлар саройи ва Миллий кутубхона ташкил топган шундай муҳташам «Маърифат маркази» мажмуида ўтказилаётган симпозиумда қатнашишга таклиф этилганимдан миннатдорман. Маълумки, кутубхоналар жамиятда муҳим аҳамият касб этадики, улар таълим тизимининг ажралмас қисми сифатида одамларга ўз билимлари даражасини оширишга, атрофда кечаётган жараёнларни яхшироқ идрок этишга, ўзларини ўраб турган барча воқеаларни чуқурроқ билишларига кўмаклашади.

Ўзбекистон мустақилликнинг 20 йили мобайнида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Бугун мамлакатингизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги етакчилиги ҳақли равишда тан олинди. «Болаларни асрайлик» («Save the children») халқаро ташкилоти маълумотларига мувофиқ, Ўзбекистон ўнта етакчи мамлакатлар сирасига кирадики, юртингизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида жуда катта ғамхўрлик кўрсатилади. Ўтган 20 йил давомида Ўзбекистонда болалар ўлимини сезиларли даражада камайишига эришишга муваффақ бўлинди.

Мен бу соҳанинг барча ходимларига ўз фаолиятларида янада катта муваффақиятлар тилашни истар эдим. Ушбу маҳобатли «Маърифат маркази» биносига мафтун бўлганимни яна бир бор изҳор этаман. Тошкент аҳолиси ва Ўзбекистон халқи ушбу бой маълумотлар базасига эга бўлганидан хурсандман. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда маданият, илмфан ва таълимни янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётганига сира шубҳа йўқ.

Қўшма Штатлар бутун мамлакат бўйлаб аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши мақсадида ҳамкорлик қилгани ҳолда АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги орқали Ўзбекистоннинг шериги ҳисобланади.

**Франсуа ГОТЬЕ, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган Халқаро симпозиум иштирокчиларининг юксак даражаси дунё илмий ҳамжамиятининг ҳам ушбу тадбир ишига ҳамда мамлакатингизнинг қисқа вақт ичида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида эришган муваффақиятларга ва уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиққанига бўлган қизиқишидан далолат беради. Тадбир юксак даражада ташкил этилди. Барча ташкилий ва мазмундор масалалар пухталик билан ўйланган. Чет эллик делегациялар анжуман ишининг жадвалидан қониқиш ҳосил қилди, деб ўйлайман. Хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда бўлишлари мобайнида замонавий тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича қимматли тажрибаларни алмашишлари баробарида ўзбек халқининг бой тарихи ва ноёб маданияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Халқаро симпозиумни янги «Маърифат маркази» биносида ўтказиш танлангани тасодифий ҳол эмас. Тошкент марказидаги ўзининг меъморий қурилиши жиҳатидан мўъжизавий бўлган мазкур иншоот улкан яратувчилик ишидан навбатдаги далолат ҳисобланадики, бундай ишлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан бутун мамлакат бўйлаб олиб борилмоқда. Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, ушбу маҳобатли сарой ўзининг меъморий ўзига хосликлари ва нафосати билан бошқа бинолар орасида ажралиб туради.

**Риккардо МАНАР, Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Тошкентда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиум ташкилий жиҳатдан юксак баҳога лойиқдир. Ўзбекистон тадбирни юқори даражада ташкил этиш орқали яна бир бор ўзининг ўзбекона меҳмондўстлигини, самимий ва очиқкўнгил эканлигини намоён этди.

Ўзбек халқи мамлакатда яратилган ижтимоий шароитлар билан, хусусан, бепул тиббий хизмат кўрсатилиши билан фахрланиши мумкин, афсуски дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида бу мавжуд эмас.

Мени «Маърифат маркази» биноси ҳайратлантирди. Симпозиум очилиш маросими бўлиб ўтган саройнинг гўзаллиги лол қолдирди. Залнинг ажойиб меъморчилиги ва акустикаси билан бирга, унинг миллий меъморчиликнинг бетакрор ва маҳобатли унсурлари билан уйғунлашиб кетган замонавий услубда пардозланганлиги мени ўзига мафтун этди.

**Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Машҳур ўзбек мақолида айтилганидек, саломатлик – инсон эга бўлган энг бебаҳо бойликдир. Шу маънода, менда Ўзбекистон Республикаси Президентининг самимий, таъсирчан ва ҳис-ҳаяжонга йўғрилган маърузаси жуда катта таассурот қолдирди. Президент бир неча бор матндан чекинган ҳолда симпозиум иштирокчиларига тўғридан-тўғри мурожаат қилди. Бунда мамлакат раҳбарининг ушбу мавзуга нақадар жонкуярлик билан ёндошиши кўриниб турди. Президент Ислом Каримов ўз нутқида Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг, жамият ҳар бир аъзосининг саломатлигини таъминлаш давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланганини алоҳида таъкидлади. Бу борада Ўзбекистон раҳбарининг фикрига қўшилмаслик мумкин эмас.

Мамлакатда соғлиқни сақлашнинг барча йўналишларини қамраб олган тизим яратилган. Ҳатто энг чекка аҳоли турар жойларида ҳам одамлар малакали тиббий кўмак олишлари мумкин бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатади. Бу, менинг назаримда, Ўзбекистон Республикаси эришган ютуқлар ичидаги таҳсинга лойиқ жиҳатлардан яна бири саналади.

**Юрий САВЧЕНКО, Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Ўзбекистонда Украинанинг элчиси сифатида олиб бораётган фаолиятим давомида давлат томонидан аҳолининг соғлом генофондини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилганининг гувоҳи бўлдим.

Мамлакатда ихтисослашган скрининг марказларнинг ташкил этилиши, уларнинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиши аёлларда маълум бир генетик нуқсоннинг бор ёки йўқлигини аниқлаш ва боланинг соғлом туғилишини таъминлаш учун унга мос тадбирларни қўллаш имконини беради. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон оналар ва болалар ўлими даражасининг қисқариши бўйича яхши натижаларга эришдики, бу турли халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида ҳам ўз эътирофини топган. Ўйлайманки, экологик муҳит тобора ёмонлашиб бораётган шароитда Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги тажрибаси дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун яхши намуна бўлиши мумкин.

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбариятининг иштирок этиши Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида эришган натижаларнинг кенг халқаро миқёсда эътироф этилганининг яна бир тасдиғидир.

**«Жаҳон» АА**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ МАСАЛАСИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНГАН

**Тошкент шаҳрида 25-26 ноябрь кунлари «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу халқаро форумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар иштирок этди.**

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари халқаро симпозиум иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.***

**Марк БОНЕЛЬ, «Ибн Сино» жамғармаси раиси, Беғараз донорлик тарғиботи бўйича халқаро эксперт (Франция):**

— Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, қисқа даврда барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, тиббиётда анча илдамлаб кетди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш борасидаги кенг қамровли ишлар эътиборга молик. Репродуктив саломатликни таъминлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида қабул қилинган қонун ва қарорлар, ишлаб чиқилган дастурлар ўз самараларини бермоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган энг катта ютуқлардан яна бири – бу оналар ва болалар ўлимининг кескин камайганидир. Юртингизда ташкил қилинаётган бундай муҳим тадбирлардан бошқа мамлакатлар ўрнак олса арзийди.

**Гунта ЛАЗДАНЕ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг репродуктив саломатлик бўйича маслаҳатчиси:**

— Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини асраш масаласи умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилган. Аёллар ва болалар манфаатини ҳимоялашга қаратилаётган бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бермоқда. Юртингизда оналар ва болалар ўлими ҳамда касалликлари кескин камаяётгани, репродуктив саломатлик яхшиланаётгани ана шу эзгу ишларнинг натижаларидир.

Халқаро симпозиум доирасида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда, маҳорат мактаби машғулотларида ўзаро тажриба алмашдик. Хусусан, репродуктив саломатликни асраш бўйича ўтказилган машғулот менда катта таассурот қолдирди. Унда ютуқлар билан бирга, муаммолар ва ечимини кутаётган долзарб вазифалар ҳам муҳокама этилди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон репродуктив саломатликни асрашда ҳам ўзига хос янгича услуб ва тажрибаларга эга. Масалан, дунёнинг кўпгина давлатларидан фарқли равишда юртингизда туғруқ ёшидаги аёлларга контрацептив воситалар бепул етказиб берилади. Бу нафақат исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, балки аёллар саломатлигини асрашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Репродуктив саломатликни асрашга оид тадбирлар жараёнида мамлакатингизда тиббий-профилактика ёрдамини ташкил этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунда нафақат аёллар, балки оиланинг барча аъзолари, жумладан, ўсмир йигит-қизлар ва эркаклар саломатлигини асрашга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Она-бола соғлиғини муҳофазалашда оиланинг ҳар бир аъзоси масъулиятини ошириш ва иштирокини таъминлаш мақсадида доимий тарғибот-ташвиқот олиб борилмоқда. Бундай тажрибани Европа давлатларида ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

**Ҳожар Ал ҲОСАНИЙ хоним, Бирлашган Араб Амирликлари Соғлиқ вазирлигининг Она ва бола саломатлиги департаменти директори:**

— Мамлакатингизда ташкил этилган ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган она ва бола скрининги марказлари ирсий ва туғма хасталикларнинг, ногиронликнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва камолга етказишга катта ҳисса қўшмоқда.

Сифат жиҳатдан янги, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ўз ичига олган тиббий марказлар иш юритаётгани ҳамда уларда барча хизматлар бепул амалга оширилаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳам юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик.

Сўнгги йилларда дунёда юқумли касалликларнинг турлари кўпайиб, тарқалиш жўғрофияси ҳам кенгайиб бораётир. Ўзбекистонда юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш борасида қатъий ва изчил чоралар кўрилаётгани диққатга сазовордир. Инсон саломатлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Мадина УМАРОВА,**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди**

# ЎЗБЕКИСТОН – МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ МОДЕЛИ

**Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум доирасида Европа минтақасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда симпозиумга ташриф буюрган давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари ва делегациялари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлари иштирок этди.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақаси бюроси директори Жужанна Якаб БМТнинг 2000 йилда ўтган Саммитида қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) жаҳон ҳамжамияти учун одамлар турмуш даражаси ва фаровонлигини яхшилиш бўйича қатор муҳим вазифаларни белгилаб берганини таъкидлади. Ҳужжатнинг 4-ва 5-мақсадларига эришиш бўйича кўрсаткичлар – болалар ўлимини камайтириш ва оналар саломатлигини яхшилаш муҳим омиллар ҳисобланади. Бу эса МРМ доирасида амалга оширилаётган фаолият самарадорлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу борада улкан ишлар амалга оширилди, эришилган натижалар дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун Европа минтақасидаги аксарият мамлакатлар Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича яратилган миллий моделни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада ўз ислоҳотлари стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида барча жабҳаларда катта ўзгаришларга эришилди ва бу соғлиқни сақлаш бўйича ўз миллий моделимизни яратиш имконини берди. Бу борада тегишли қонунчилик базаси яратилди. 1998 йилда Президентимиз фармонига биноан қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида келгуси давр учун сифатли тиббий хизматлардан умумий фойдаланишни таъминлашга асосланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш стратегияси белгилаб берилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов келажакка йўналтирилган бу борадаги ишларда «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини ҳар томонлама амалга ошириш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини муҳофазалаш, озиқ-овқат маҳсулотларини микроэлементлар билан бойитиш, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва пировард натижада, соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

«Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқларга ҳавас қилса арзийди, – деди «Мерк» фармацевтика компанияси вакили Дорон Бенами (АҚШ). – Мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизими барча йўналишларда, шу жумладан, оналар ва болалар саломатлиги соҳасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда ва бу жараённинг юксалиш суръатлари таҳсинга лойиқдир. Ишончим комилки, Президент Ислом Каримов томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилаётгани, мақсадли давлат дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётгани натижасида Ўзбекистон яқин келажакда Мингйиллик декларациясида белгиланган тегишли вазифаларни тўлиқ ҳал этади».

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини комплекс ислоҳ этиш энг олис туманлар аҳолисига ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди, улар хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, иммунопрофилактика, аҳолининг санитария-гигиена қоидаларидан хабардорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта ҳисса қўшаётир. Репродуктив саломатлик соҳасида кенг кўламли профилатика ишлари бажарилмоқда. Муҳими, бу ишларда давлат ташкилотларидан ташқари жамоат бирлашмалари, жумладан, хотин-қизлар қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги тизими, энг юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари тармоғи ташкил этилганини қайд этди. Туғруқ комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларининг фаолияти касалликларга ташхис қўйиш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган илғор технологияларга асосланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида скрининг марказлари тармоғининг ташкил этилиши ҳисобидан ирсий касалликлар ва ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болаларнинг туғилиши кескин камайди. Перинатал марказлар тармоғида замонавий тиббиёт услублари ёрдамида энг мураккаб вазиятларда ҳам соғлом болаларнинг дунёга келишига ёрдам кўрсатилмоқда.

«Мен Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида бўлдим ва болаларни парвариш қилиш ишлари қандай йўлга қўйилгани, уларга жарроҳлик ёрдами кўрсатиш тизими қанчалик ривожланганининг гувоҳи бўлдим, – деди Европа педиатрлар ассоциацияси вице-президенти Мануэль Моя. – Мамлакатингизда педиатрия хизмати даражаси юксак савияда ташкил этилгани менда катта ҳавас уйғотди. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича энг юксак халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган миллий модель яратилган. Бу моделдан бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли фойдаланиши мумкин. Зеро, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш глобал вазифа бўлиб, унинг амалга оширилишидан дунёнинг барча давлатлари манфаатдордир».

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қўлланилаётган мутлақо янги ёндашув юқори натижалар бераётгани таъкидланди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи уч баравар камайди. Аҳоли касалланишининг умумий даражаси сезиларли равишда пасайди.

«Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди ва бу таҳсинга лойиқдир, – деди Латвия соғлиқни сақлаш вазири Ингрида Цирцене. – Мамлакатингизда бу борадаги ишлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартлари ва устувор вазифаларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Статистика ҳам Ўзбекистонда аҳоли, жумладан, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимидаги ижобий ўзгаришлардан яққол далолат беради».

Хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳар йили дунёда 5 ёшгача бўлган қарийб 8 миллион нафар бола ва 400 минг нафарга яқин аёл ҳомиладорлик ёки туғиш пайтидаги асоратлар сабабли вафот этаётган бугунги кунда, айниқса, алоҳида эътиборга молик. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш зарур. Шу боис 2010 йилда Хотин-қизлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг глобал стратегияси ишлаб чиқилди, Европанинг «Саломатлик-2020» стратегияси қабул қилинди. Уларни ҳаётга татбиқ қилишда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

Давра суҳбатида Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг хотин-қизлар ва болалар саломатлигига оид вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш йўллари, бунинг учун турли мамлакатлар салоҳиятини мустаҳкамлаш имкониятлари ҳар томонлама муҳокама этилди. Ўзбекистонда МРМда белгиланган вазифалар миллий ҳаракат режалари ва Давлат дастурларига киритилгани ҳамда бу уларнинг самарали бажарилишида муҳим омил бўлаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан тадбир қатнашчилари соғлиқни сақлашни комплекс ривожлантириш учун катта миқдорда маблағлар ажратилаётган, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ҳамда кенг жорий этиш зарур, деган умумий фикрга келдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

